Ушбу сонда:
2-3 ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР
4 *Ҳаёт чорраҳаларида* НУРДАГИ СОЯ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ, ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 17 январ, чоршанба № 10 (1024)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Яхши дам, меҳнатга ҳамдам*

## ТАБАРРУК ҚАДАМЖО ЗИЁРАТИ

Бўка туманидаги Ғаффор Азаматов номли ширкат хўжалиги аъзоларидан бир гуруҳи «Мерседес» автобусларида сафарга отландилар. Тўрт автобус республикамизнинг қутлуғ қадамжоларидан бири — Имом Исмоил ал Бухорий мақбарасини зиёрат қилиш ниятида бўлган 200 нафар сайёҳни Самарқандга элтиб қўйди. Эзгу сафар билан боғлиқ барча сарф-харажатлар хўжалик ҳисобидан қопланди.

Саёҳатчилар шунингдек, кўҳна шаҳарнинг тарихий обидалари, диққатга сазовор жойлари билан ҳам танишиб, кўнгилли дам олиб қайтдилар.

*Жамоа шартномаси қандай бажарилмоқда?*

## БОШҚАРМА ЁНИДА ТЕННИС КОРТИ

***Бошқармамизнинг 1075 нафар аъзоси бор. Қишли-қировли кунлар бошланган бир пайтда касаба уюшма қўмитаси аҳолини «зангори олов» билан тўла таъминлашни ташкил қилишда маъмурият билан масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Ишчи-хизматчиларни ҳар томонлама муҳофаза қилишда жамоа шартномаси қўл келмоқда. Жумладан, унга биноан барча ишчи-хизматчиларга кунлик овқат пули берилади. Таътилга чиқаётганларга энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида моддий ёрдам кўрсатилади.***

Бошқармада меҳнат интизомига қатъий риоя қилиниши туфайли меҳнат самараси тобора ортмоқда. Шу боис ишловчиларнинг даромадлари ҳам йил сайин ошиб бораётир. Бу ерда яна бир ибратли ишга қўл урилди. Яъни, ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ижтимоий муҳофазага муҳтож оилаларни уй-жой билан таъминлаш йўлга қўйилган ва бу жамоа шартномасига ҳам киритилган. Шунга мувофиқ бу йил 2 нафар ишчи имтиёзли уй-жойга эга бўлади.

Маъмурият касаба уюшмаси билан ҳамкорликда нафақага чиқувчиларга ва 50 ёшга тўлганларга энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида мукофот пули ажратаётир.

Шунингдек, касаба уюшма қўмитаси томонидан ўтган йили 14 нафар ишчи-хизматчи республика сиҳатгоҳларида, 31 нафари эса вилоят шифо масканларида саломатлигини мустаҳкамлади. Шундан 21 йўлланма бепул берилди. Ишчи-хизматчилар фарзандлари ҳам ёзги таътилларини кўнгилли ўтказдилар. Сарф-харажатларни маъмурият ўз зиммасига олди.

Ишчиларни ишга олиб келиш ва уйларига элтиш учун махсус автобус ажратилган. Меҳнат муҳофазасига эътибор кучайтирилганидан бўлса керак, кейинги уч йилда биронта бахтсиз ҳодиса рўй бермади.

Бошқарма ва унинг тумандаги бўлимларида кўп болали оналар, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, фахрийларнинг ҳолидан хабар олиш масалалари доимий эътиборда.

Бошқарма ҳудудидаги финча ҳаммом, кутубхона, дам олиш хоналари ишчи-хизматчилар ихтиёрида. Теннис корти ташкил қилинган. Клубда маданий тадбирлар билан бир қаторда унинг қўшимча хоналарида гимнастика ва бокс машғулотлари ҳам ўтказилаётир.

Бундан ташқари, бошқарма ва касабақўм ижтимоий муҳофазага муҳтож ташкилотларни қўллаб-қувватлаш каби савобли ишдан четда қолаётгани йўқ. Масалан, ўтган йили Урганч шаҳар ва вилоят шифохонасига 100 минг сўмдан, вилоят болалар шифохонасига 305 минг, яқинда иш бошлаган шаҳар тез тиббий ёрдам марказига ҳам 100 минг сўм ёрдам қилинди.

Буларнинг барчаси бошқармада иш тўғри ташкил қилингани, маъмурият билан касабақўм ўртасида тузилган жамоа шартномаси бандлари амал қилаётганидан далолатдир.

**Озод ОЛЛАБЕРГАНОВ,**
**«Хоразмгаз» бошқармаси касаба уюшма қўмитаси раиси.**



Фарҳод Раимовни Навбаҳор туманидаги машина-трактор паркида кўли гул уста деб таърифлашади. У бош муҳандис Ҳасан Санакулов ҳамда слесар Анвар Сатторов ёрдамида техникани сифатли таъмирлаш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш сирларини пухта эгаллади. Шу боис ўзига топширилган ишни аъло даражада бажариб, жамоа олқишига сазовор бўлмоқда.

С.ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

## УЙЛАР МУБОРАК!

Навоий вилояти касаба уюшмалари Кенгаши жамоа шартномаларида кўзда тутилган ишчи-хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, вилоят электр тармоқлари корхонаси шартнома шартларини бажаришда ибратли ишларни амалга оширди. Ўтган икки йил ичида 40 га яқин оила янги, шинам уйларга кўчиб ўтди. Умид шаҳарчасида эса 10 та оила ўз участкаларига, коттежларга эга бўлишди. Оналар ва болалар йили муносабати билан 30 хонали уй қурилиши жадал суръатда олиб борилмоқда.

Учқудуқ, Нурота туман электр тармоқлари ишчи-хизматчилари ҳам 4 тадан янги коттеж уйларда ҳовли тўйларини ўтказишди.

Шуниси диққатга сазоворки, арзон ва пишиқ қурилиш материаллари Навбаҳор ва Хатирчи туманлари электр тармоқлари корхоналари ихтиёридаги мармар цехи ҳамда ғишт заводларида тайёрланмоқда.

## КИЧИК КОРХОНАНИНГ КАТТА ИШИ

Республика Ижтимоий таъминот вазирлигининг «Таянч-ҳаракат аъзолари касалликлар ва ногиронларни реабилитация қилиш» Маркази негизида ортопедия реабилитация илмий ишлаб чиқариш кичик корхонаси ишга тушди. Германиядан келтирилган энг замонавий асбоб-анжомлар билан таъминланган мазкур корхона буюртмаларнинг тез, арзон ва муҳими сифатли бўлишига кафолат беради. Айни пайтда Россиядан олиб келинаётган протез маҳсулотларининг бутловчи қисмларига эндиликда эҳтиёж қолмади. Чунки маҳсулотлар учун хомашё ўзимиздан чиқяпти. Агар аввалги технология бўйича буюртма 45 кунда тайёрланган бўлса, бу муддат ҳозирда уч бароварга қисқарди.

Хайрли ва савобли ишда ҳомийлар кўрсатаётган беминнат ёрдам ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. «Уй-жой жамғарма банки», «Кафолат» акциядорлик суғурта компанияси, иқтисослаштирилган давлат акциядорлик тижорат «Асака» банки ва бошқалар шулар жумласидандир.

Айни пайтда Марказнинг вилоятлардаги ўнта бўлими қошида ташкил этилган кичик корхоналарда ҳам протез маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

**Б.МУРОДОВ.**

*Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

## БИР ТАШАББУС ШАРОФАТИ

Пскент туман Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Низомиддин Зиёвутдинов кундалик иш жараёнида айниқса, ширкат хўжаликлари билан ижарачилар, деҳқон, фермер хўжаликлари билан уюшма, машина, трактор саройи, пахта тозалаш саноати ўртасидаги фаолиятда ҳуқуқшунос аралашуви тез-тез зарур бўлиб туришини ҳисобга олиб, туман қўмитаси қошида ҳуқуқшунос-маслаҳатчи лавозимини ташкил этишга эришди. Ҳуқуқий идораларда ишлаб, бой тажриба орттирган Абдулазиз Абдувалиев ушбу лавозимга шартнома асосида ишлашга таклиф этилди.

У дастлабки иш кунларини шартномаларни ўрганишдан бошлади.

Айрим ҳужжатлар имзоланаётганида шартнома матнини тузувчи томон ўз манфаатларини устун қўйиш ҳоллари учраб туриши сир эмас. Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳуқуқшунос тайёрланаётган лойиҳани синчиклаб ўрганиб чиқаяпти. Ушбу жараёнда оддий деҳқоннинг ҳам, чорвадорнинг ҳам ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояга олиниб, мазкур ҳужжат қайтадан тузилмоқда. Шунингдек, банклар, харидорлар билан бўладиган муносабатларда ҳам ана шундай йўналиш асос қилиб олинган. Агарда ҳуқуқшунос олди-сотди муносабатларига аралашиб, ишни кўнгилдагидек ҳал этса, у ёки бу томондан ундирилган маблағдан бир фоизини хизмат ҳақи сифатида ўзига олади. Шунинг учун ҳам у қўмитада шартнома билан ўриндошлик асосида ярим ойлик иш ҳақи олиб ишламоқда.

Демак, ҳуқуқшунос кўмагида деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш, уни қайта ишлаш, шунга боғлиқ тўлов ва шартнома муносабатларига оид ҳамма масалалар ижобий ҳал этилишига эришилаётир. Шунингдек, меҳнаткашлар пенсия таъминоти, иш стажи ва бошқа айрим ҳужжатларга аниқлик киритиш масалаларида ҳам тегишли маслаҳатлар олишмоқда.

**Темур ҲАЙДАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Сабоқ*

## НОҚОНУНИЙ ТЕКШИРУВ прокуратура томонидан тўхтатилди

***«Чортоқ» санаторийси республикамизнинг энг сўлим, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланган сиҳатгоҳларидан бири. Хизмат бурчи билан шу масканда бўлганимизда биринчи рўбарў келган дам олувчининг фикри билан қизиқдик.***

— Беш йил мобайнида бел, оёғим оғриб азоб чекдим, - дея фикрини ифодаладиҳоразмлик меҳнат фахрийси Одамбой Матрасулов. — Охири шу сиҳатгоҳда дардимга шифо топдим. Бу ердаги шароит, нодир ҳам камёб тиббиёт жиҳозлари ёрдамида амалга ошириладиган даволаш муолажалари, мазали таомлар менга ниҳоятда манзур бўлди.

Бу каби фикрларни наманганлик ошпаз Р.Нуриддинов, андижонлик шифокор Ф.Зияевдан ҳам эшитдик. Таъкидлаш жоиз, ўтган йили Наманганда талаба ёшларнинг Универсиадаси ўтказилганда унинг иштирокчилари асосан мазкур сиҳатгоҳда жойлаштирилди. Ажойиб тадбир шарофати ила санаторийда қайта таъмирлаш ишлари ўтказилиб, шароит рисоладагидек қилиб қўйилганди. Шу боис «Чортоқ» сиҳатгоҳига комиссия келибди, деган гап тарқалиши билан кўпчилик таажжубга тушди.

Чинданам ўтган йилнинг 12 ва 13 декабр кунлари Наманган вилоят ҳокимининг ўринбосари И.Юсупов томонидан тасдиқланган, ўн кишидан иборат текширув гуруҳи санаторийга келиб, шошилинч тарзда иш бошлади. Ҳамма нарса, шу жумладан, сиҳатгоҳнинг молиявий хўжалик фаолиятига дахлдор объектлар ҳам бирма-бир элакдан ўтказилди. Тегишли ҳужжатлар тўпланди. Комиссия ўн банддан иборат махсус дастур асосида иш юритди. Текширув Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг 2000 йил 1 мартдаги қарорида кўрсатилганидек 4 соат эмас, балки роса икки кун давом этди...

Хўш, бу текширув нечоғлик қонуний эди? Бунинг учун етарли даражада асос бормиди?

Маълум бўлишича, вилоят ҳокимининг ўринбосари И.Юсупов 2000 йил 11 декабр куни Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши вилоят ҳудудий комиссияси номига ёзган хатида ўша кунларда сиҳатгоҳда ичимлик суви, газ ва электр таъминоти яхши эмаслиги, хоналарнинг совуқлиги каби камчиликлар ҳақида маълумот олганини баён қилган, тегишли тартибда гуруҳ тузиб, у ердаги ҳолатни назорат тариқасида ўрганиш учун рухсат берилишини сўраган.

Бироқ мазкур хатнинг ёзилиш жараёнида бир нарсага, яъни Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси талабларига риоя этилмаган. Бу модда талаблари айнан нималардан иборат эканлигини эслатиб ўтсак фойдадан холи бўлмас. Унга кўра, режадан ташқари текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан қуйидаги ҳолларда ўтказилиши қайд этилган:

— Мабодо текшириш ўтказиш зарурияти Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қароридан келиб чиққан бўлса;

— Назорат қилувчи органга хўжалик юритувчи субъект томонидан Қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушса;

— Фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олди олинаётган бўлса;

— Санитария-эпидемиология вазияти мураккаблашса, шунингдек, қўшни давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли вужудга келса.

Ушбу тўртала бандда қайд этилган ҳолатлардан бошқа бирон-бир вазиятда режадан ташқари текшириш ўтказишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Шундай бўлса-да жаноб И.Юсуповнинг кўрсатмаси билан ҳаракатга тушилди. Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгаши вилоят ҳудудий комиссияси раисининг ўринбосари А.Каримов ҳам республика Кенгаши томонидан 1999 йил 8 январда тасдиқланган Тартибнинг 4-бандига асосан сиҳатгоҳда назорат тартибида текшириш ўтказиш учун вилоят ишчи гуруҳига рухсат бериб юборди. Мазкур гуруҳ ўн кишидан иборат бўлиб, бизни ажаблантирадиган жойи шундаки, унга вилоят ҳокимлиги назорат инспекцияси бўлимининг етакчи мутахассиси И.Ҳожиев раҳбарлик қилган. Таажжуб, ўз хизмат лавозимига кўра ноқонуний текширишга биринчилардан бўлиб чек қўйиши керак бўлган одамнинг ўзи бу ишга бош бўлса! Таъкидламоқ лозимки, комиссиянинг баъзи аъзолари юқоридаги қонуний бўлмаган тадбирда иштирок этишни хоҳламаганлар. Бироқ буйруқни бажармаслик ҳам қийин...

Энди вилоят ҳокими ўринбосарига санаторийни текширишга кўрсатма бериш учун асос бўлган айрим камчиликлар хусусида икки оғиз тўхталсак. Гап шундаки, уларнинг бир қисмига сиҳатгоҳ маъмурияти дахлдор эмас. Жумладан, бош шифокор Х.Мубораков вилоят ва Чортоқ тумани электр тармоқлари корхоналари раҳбарлари номига хат йўллаб, марказий қозонхона қиш мавсумида электр қуввати билан узлуксиз равишда таъминланиб турилиши лозим бўлгани ҳолда бу муҳим ишда тез-тез узилишларга йўл қўйилаётгани ҳақида маълум қилган. Бироқ, мутасадди раҳбарлар ўринли эътирозга етарли эътибор бермаганлар.

Яна бир масала, текширувчилар дам олувчиларга ажратилган неъматларни тортиб кўришганида 8,5 кг товуқ гўшти пишган ҳолатда 5,5 кг чиққанлиги, 26 литр сут қайнатилганда 23 литр бўлиб қолганлигини алоҳида эътироф этганлар. Ваҳоланки, бу кўрсаткичлар республика Курортлар бошқармасининг овқатлар картотекаси ва тайёрлаш технологиясига тўғри келади. Демак, комиссия аъзолари озиқ-овқат маҳсулотлари пишириш ва қайнатилиш жараёнида ўз вазнининг бир қисмини йўқотишини билиб қўйсалар фойдадан холи бўлмас...

Мазкур текширув Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони талабларига зид эди. Шунинг учун ҳам Наманган вилоят прокуратураси республика Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Курортлар бошқармаси бошлиғининг мурожаатига асосан воқеани атрофлича ўрганиб чиқанидан сўнг текширув тўхтатилди. Айни пайтда прокуратура ноқонуний текширувда иштирок этиб, ижро интизомининг бузилишига йўл қўйган кишиларни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 181-моддасига кўра интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида қарор чиқарди.

Табиийки, юқоридаги воқеа кимлар учундир сабоқ бўлиб хизмат қилади.

**Р.УМАРОВ,**
**Наманган вилояти прокуратураси умумий назорат бўлими катта прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси,**
**Ғ.ЮСУПОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*2001 йил — Оналар ва болалар йили*

## МАҚСАДОЙ ОЧГАН БОҒЧА

«Мақсад» масъулияти чекланган тижорат фирмаси Қизилтепа туманида тадбиркорлик билан ўз имкониятини кенгайтириб бораётган корхоналардан. Фирма туман халқ таълими бўлими касаба уюшма қўмитаси билан яқин ҳамкорликда ҳар йили туманда болалар ёзини соз ва кўнгилли ўтказишга кўмаклашмоқда. Ишбилармон Мақсад Шодмонова Оналар ва болалар йили муносабати билан яна бир хайрли ишга қўл урди. «Бўстон» маҳалласидаги бир пайтлар «Хумо» болалар боғчаси бўлган, эндиликда ҳувиллаб ётган бинони ўз тасарруфига олди. Бу ерда қисқа вақт ичида таъмирлаш ишлари ниҳоясига етгач, боғча ишга тушади ва 60 нафар кичкинтойни ўз бағрига олади. Унга керакли жиҳозлар ҳамда кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари фирма ҳисобидан таъминланади. «Мақсад» туман марказида яна шундай болалар боғчаси очишни режалаштирган.

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ЭНГ ЯХШИ ҚЎШИҚ — БОЛАЛАРГА

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси Халқ таълими вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда Оналар ва болалар йилига бағишлаб болалар қўшиқлари кўрик-танловини ўтказишга қарор қилди. Танлов Ватан, Истиқлол, юртимизнинг гўзал табиат манзараларини, фидойи ватандошларимиз, меҳрибон оналаримиз, иқтидорли ёшларни мадҳ этувчи янги куй ва қўшиқлар яратилишига туртки бўлади.



Ижодкорларни болалар қўшиқчилигида янада сермаҳсул меҳнат қилишга даъват этиш, ёш мусиқачиларни рағбатлантириш, янги номларни кашф этиш мақсадида ташкил этилаётган мазкур танлов шу йилнинг феврал ойида якунланади. Унда бадиий мукаммал, миллий руҳ билан йўғрилиб, юксак савияда яратилган энг яхши мусиқий асарлар Болалар санъати республика фестивалида ҳамда мустақиллигимизнинг ўн йиллиги тантаналарига бағишлаб ўтказиладиган «Ўзбекистон - Ватаним маним» қўшиқ байрамида ижро этиш учун тавсия қилинади.

**(ЎзА).**

# ЛОЙГА ЖОН БАҒИШЛАБ

Самарқандлик таниқли керамикачи рассом Юрий Кан айни пайтда «Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги — умид, гўзаллик, бунёдкорлик байрами» деб номланган мураккаб композиция устида иш олиб бораётир.

Асли Чимкентда туғилган, Тошкент театр ва рассомчилик институтининг бадиий керамика бўлимини тугатиб, Самарқанддаги Улуғбек номли фабрикада бош рассом бўлиб иш бошлаган бу инсон 1996 йилга қадар ўз фаолиятини сопол буюмлар заводида давом эттирди.

Бундан беш йил муқаддам Самарқанд кооператив коллежи директори Маҳмуд Ҳамроев ёрдамида шу ўқув даргоҳи қошида керамика цехини очишга муваффақ бўлди. Юрий Кан ўша ерга ишга таклиф этилди. Бу ерда ўзи бошлиқ, ўзи керамикачи рассом сифатида иш олиб борди. Хаёлига келган ғоялар, тафаккур маҳсулини жонлантирувчи ҳам ўзи бўлди. Устанинг қўлларида оддийгина лой жонланиб, шу қадар нафосат касб этганидан киши битмас-туганмас завқ олади. Катта маҳорат билан нафис қилиб ишланган ошхона буюмлари жамланмаси, терракотадан ясалган эртак қаҳрамонлари — «Аждаҳо», «Йўлбарс» ва шунга ўхшаш санъат асарларини томоша қилиб бунинг шоҳиди бўласиз. Ана шундай муҳаббат билан яратилган «Чойхоначи», «Уста» асарлари ҳам кишиларда такрор ва такрор ҳайрат уйғотаверади.

— Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида қарийб ҳамма нарса пул билан ўлчанади, — дейди коллеж директори Маҳмуд Ҳамроев. — Аммо уста бу қонуниятларни тан олишни истамайди. Юзлаб қариндошлари ва таниш-билишларига ўзи яшайдиган ҳудуд болаларига ўз қўллари билан яратган чиройли ўйинчоқларни, совға буюмларини ҳеч қандай таъмасиз чин кўнгилдан улашаверади. Шуни ҳам айтиш керакки, америкалик таниқли бизнесменлар устага тез-тез буюртма бериб, ўзларининг серҳашам ресторанлари учун юксак дид билан безатилган сопол буюмларни харид қилишади.

**«Туркистон-пресс».**



# СЕВИНЧ БЎЛИБ ЁҒАЁТИР ҚОР

*Дарахтларнинг бутоқларига,*
*Биноларнинг пештоқларига.*
*Ватанимнинг чўнг тоғларига,*
*Неклик бўлиб ёғаётир қор.*

*Орзум бўлиб, армоним бўлиб,*
*Оқлик инган жаҳоним бўлиб.*
*Замин тўлиб, осмоним тўлиб,*
*Соғинч бўлиб ёғаётир қор.*

**Темир ҚУРБОН.**





**Д.АҲМАД олган суратлар.**

# «ЖАР» БИРИНЧИЛИГИ

***«Жар» спорт мажмуида мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кунига бағишланиб, ўзбек кураши бўйича «Жар» спорт мажмуи биринчилиги мусобақаси ўтказилди.***

Уни ўтказишдан асосий мақсад ёшлар ўртасида ўзбек курашини тарғиб қилиш, бу курашнинг келажаги бўлмиш ёш полвонларни тайёрлашдир, деди, - беллашувлар олдидан сўзга чиққан «Жар» спорт мажмуи мутасаддиларидан бири полковник Владимир Настиков. -Мусобақада йигирма килограмм вазндаги жажжи полвонлардан тортиб, саксон бир килограмм вазндаги полвонлар гиламга чиқди. Ёш полвонлар жами 13 вазн тоифасида, катта ёшдаги полвонлар эса 4 вазн тоифасида курашга тушдилар.

Ғолибларга медаллар, кубоклар, дипломлар ҳамда «Жар» спорт мажмуи раҳбарияти томонидан тайёрланган қимматбаҳо совғалар топширилди. Мусобақада халқаро кураш академияси президенти Жўрақул Турсунов ва Ўзбекистон кураш миллий федерацияси вице-президенти Талъат Усмонов иштирок этишди.

Мусобақанинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, ўзбек курашида эндиликда қизларимиз ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу ўз навбатида ўзбек курашининг келгуси Олимпиада ўйинлари қаторидан жой олиши учун замин яратилаётганидан далолатдир.

# ИБРАТЛИ ТАЖРИБА ОММАЛАШТИРИЛДИ

Ҳозир мамлакатимизда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидан талайгинаси фаолият кўрсатмоқда. Янги турдаги бу каби ўқув юртларини замонавий компьютерлар, техника воситалари, дарслик ва қўлланмалар билан таъминлаш борасида кўрилаётган тадбирлар ижобий натижасини бермоқда.

Бу борада амалга оширилган ибратли ишларни оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими республика марказида тажриба ўрганиш гуруҳи тузилди.

Унинг дастлабки сайёр йиғилиши Бухоро вилоятида ташкил этилган лицей ва коллежларнинг моддий-техника базасини яратиш, ўқув-тарбия жараёнининг бугунги аҳволи тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди ҳамда ижобий баҳоланди.

Шу билан бирга Бухоро тажрибасидан фойдаланган ҳолда республикамиз бошқа ўқув юртларидаги камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди.

**Шерзод ДОНАЕВ.**

# ПУЛЛАРДА МАШҲУР КИШИЛАР СУРАТИ

Бир қатор давлат пулларида фан ва санъат арбобларининг сурати берилади. Масалан, Эрон риалида XI асрдаги Шарқнинг машҳур олими Абу Али ибн Синонинг қабр тошини кўриш мумкин.

Италия лирасида жаҳонга машҳур бўлган ҳайкалтарош, меъмор ва рассом Микеланжело, шоир Данте, буюк олим Галилео Галилий, композитор Вердиларнинг расмлари бор.

Австрия пулларида бу халқнинг миллий фахри саналган композитор Иоганн Штраус хотираси абадийлаштирилган. Франция пули — франкда ёзувчилардан Вольтер, Мольер ва Виктор Гюго, XVII аср драматурги Жан Расин, ўша замоннинг машҳур артисткаси Божар портрети учрайди.

1965 йили Францияда чиқарилган юз франклик банкнотда XVII аср француз драматурги Пьер Корнель портрети туширилган. Уни ёруғга тутилса қоғоз ичида Корнель қаламига мансуб асарлар қаҳрамонларининг расми кўринади.

Кўп давлатлар чиқарган энг йирик пулларнинг қиммати 500 сўмликдан ошмагани ҳолда, бир қатор мамлакатларда, масалан, Америка, Италия, Японияда 10.000 сўмлик пуллар ҳам бор. Пуллар қиймати алоҳида ҳарфлар билан ҳам белгиланади. Канаданинг бир доллари — А, икки доллари — В, минг доллари — К ҳарфлари билан ифодаланган.

# ҲАШАР ЙЎЛИ БИЛАН

Урф-одатларимиз орасида тарбиявий аҳамиятга эга бўлганлари ҳам кўп. Шулардан бири ҳашардир. Ҳашар асли арабча «ҳашара» сўзидан олинган бўлиб, «йиғилмоқ», «бир жойга тўпланмоқ» каби маъноларни билдиради. Чиндан ҳам, ҳашарда кишилар бир жойга йиғилишади. Бирон кишининг ўз кучи билан бажара олмайдиган оғирроқ иши, юмуши бўлса, одамларни ҳашарга айтади. Шунда яқин қариндош-уруғлар, дўст-биродарлар, қўни-қўшнилар йиғилишади. Ҳашар дастлаб қачон пайдо бўлгани ва уни биринчи бор ким расм қилгани маълум эмас. Лекин халқимизда қадимдан ҳашарнинг шакллари мавжуд бўлиб келган.

Илгари ҳашар қилиб ҳовли-жой бино қилинар, ғалла ўриб хўк ҳайдалар, ҳашак ўрилар, кўра босилар эди. Аёллар ҳашар билан гилам (шол) тўқишар, кўрпа қоплашар ва тўй арафасида лозим бўлган шу сингари турли-туман юмушларни қилишарди.

Ҳашарга келган кишилар уй эгасидан ҳақ олмайдиганлар, яъни текинга, ёрдам учун хизмат қилганлар.

**А.АЛИЕВ тайёрлади.**

# АДИБ ХОТИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Самарқандда Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 125 йиллиги муносиб нишонланмоқда. Шу муносабат билан вилоят педагогларининг малакасини ошириш институтига у зотнинг номи берилди. Институтда ўтказилган илмий анжуманда иштирок этган адабиётшунослар Маҳмудхўжа Беҳбудий ижодини ўрганиш борасидаги янги тадқиқотлар, адибнинг илмий ва публицистик меросининг бугунги аҳамияти хусусида фикр юритдилар.

Ҳамид Олимжон номидаги вилоят мусиқа ва драма театрида ўтказилган адабий кечада эса Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг драматик асарларидан кўринишлар намойиш этилди.

# «РУҲ ВА ХАЁЛ»

Ўзбекистон Бадиий академия Марказий кўргазмалар залида «Руҳ ва Хаёл» мавзуидаги асарлар кўргазмаси ташкил этилди. Унда тўрт ижодкор - таниқли рассомлар Жамол Усмонов, Рихситилла Акромов, Вячеслав Ахунов, Шавкат Ҳакимов асарлари намойиш қилинмоқда. Картиналар билан танишар экансиз, бугунги кунда Ўзбекистон рангтасвир санъатида миллий ўзига хосликни ифодалаш борасида турли йўналишда изланишлар изчил давом этаётгани, мусаввирларнинг қадим тарихимизга, Ўрта асрлар Шарқ миниатюрасига, шеъриятга, халқ амалий ва безак санъатининг рамзий жиҳатларига эътибори ортаётганининг гувоҳи бўласиз. Кўргазмадан ўрин олган асарлар ўзининг ранг-баранглиги, шарқона санъатнинг ёркин намунасига айланганлиги билан диққатга сазовордир.

**(ЎзА).**

## *Ҳаёт чорраҳаларида*

# НУРДАГИ СОЯ

***Фарзанд меҳри шунчалик оташин туйғуки, баъзан Оналар ана шу туйғуга банди бўлиб қолишади. Натижада уларнинг ортиқча меҳри, ишончи фарзанд тақдирига соя ташлайди. Салтанатхон аслида уйим-жойим дейдиган, ориятли Аёл эди. Аммо меҳрми, Раҳматуллонинг ёлғиз ўғиллигими — нимадир унинг кўзини боғлаб қўйган эди. Асалнинг кўпи заҳардан ёмонлигини унутган Салтанатхон ўғлини керагидан ортиқ эркалатди, кўнглига қаради.***

Ёлғиз ўғлининг орзуси йўлида ўзини, ўзлигини унутди. Таглик-туглик жойдан келин қилган Салтанатхон энди давраларда гап бермайдиган бўлди. Сипороқ кийинганларнинг саломи аликсиз, сўрови жавобсиз қолди. Тўю маъракаларда ёши улуғларни пойгакда қолдириб тўрга чиқди. Келин сарполарни кўришаётганда беписанд лаб бурди, андишасизларча бой келинининг сепини мақтади:

— Ана келину мана келин. Ўзи бир машинада, сепи беш машинада келди. Бир кўйлакнинг ўзидан қирқта, пальто, куртка-пурткасини айтмай қўяверай, туфлиси пойгагимга сиғмаса-я.

Кимдир унга ҳавас билан боқди, ким эса ҳайрон. Доно онахонлар эса «Кўрмаганнинг кўргани қурсин» дея четга қарашди.

Йил ўтмай сеплик келиннинг эпсизлиги Салтанатхоннинг дилини хуфтон қилди. Қирқта кўйлакнинг бари тоғорага тушди, оҳорли кийимим қолмади деб келиннинг дийдиёси бошланди.

Хонадонидан файз кетди, ҳовлиси супурги кўрмай қолди, уйларида ўргимчаклар тўр ташлади.

Салтанатхон келинига насиҳатга оғиз очганди, балога қолди, беобрў қилиб ота-онасини чақиртирди. Бўлди томоша, қўни-қўшнилар олдида ер ёрилмади, Салтанатхон ерга кирмади. Қудағайлар таънаю маломатлар қилиб қизини олди-кетди. Келинимнинг қўлини совуқ сувга урдирмайман деб, ялиниб-ёлвориб уни уйга олиб келгунча Салтанатхоннинг она сути оғзидан келди.

Шу кундан бошлаб тонг ёришмасдан туриб ҳовлиларни супуриб, сув сепди. Қозон-товоқ, кир-чирни ҳам бўйнига олди. Шу кундан қўшниларининг сепсиз келинларига ҳавас билан қарайдиган бўлди. Зинҳор келинидан шикоят қилмади, дардини ичига ютди, фақат ёлғиз қолганда ўзига-ўзи айтиб йиғлади. Аммо қўшнилар олдида отдан тушса-да, эгардан тушгиси келмади, сир бой бермай давраларда мақтовнинг қўрига ўт ташлаб, ўзини ўзи алдаб яшади.

Бир куни ўғли хомуш уйга қайтди, сигарет чекди, уҳ тортди, юрагини айтолмай қийналаётганини кўрган она унинг кўнглига қўл солди.

— Келинингиз бирга яшамайман деб, отасиникида қолди.

Салтанатхон яна балога ўзини қалқон қилди, қудаларининг дашномига чидади. Мол-ҳолини, ҳатто ҳовлисининг ярмини сотиб ўғлига алоҳида уй олиб берди.

Бир куни неварасига кўйлакчалар тикиб ўғлиникига борди. Келини хушламайгина кутиб олди. Олдига бир чойнак совуган чойни қўйиб дўконга кетди. Салтанатхон тагига тўшалган кўрпачадаги доғ-дуғларни кўриб, кўнгли бузилди, хўрлиги келди. Уйнинг ифлослигидан уялиб, қўлига супурги олди. Уч кун кир ювди, уй тозалади, кўрпа-кўрпача қавиди.

Ўғли ҳар куни ярим тунда қайтар, яна алламаҳалгача ўтириб келини билан пул санашарди. Она «ўғлим катта ишга ўтибди», деб суюнди. Аммо ўғли «узумини енг, боғини сўраманг» деб бир пачка юзталикни қўлига тутқазганидан кейин кўнглига хижиллик ўралди.

Салтанатхоннинг кетишини эшитиб эртасига ўғли вақтлироқ келди. Келини ярмини куйдириб ош қилди, ўғли мақтаб-мақтаб еди. Босиб-босиб коньяк ичди, тезда маст бўлиб, сўзини йўқотди.

— Мамашка, яқинда миллионер бўламан, маҳалла-паҳаллангиз билан сотиб оламан...

**Амина ҚОДИРОВА.**
**(Давоми бор)**

## *Бундайларга шафқат йўқ*

## СИРЛИ ТУГУН

Инсонни шайтон йўлдан оздирса ёмон бўларкан. Демоқчимизки, келишгангина бу йигитча салкам ҳуқуқшунос. «Қаҳрамонимиз» Фарҳод Қурбонов Қирғизистон Республикаси, Боткен вилоятининг Лайлак туманида туғилган, Ўш шаҳридаги Давлат университети ҳуқуқшунослик факультетининг 5-курс талабаси.

Яқинда у Қадамжой-Ўш йўналиши бўйлаб бораётган Мавлон Жўраев бошқарувидаги ГАЗ-2401 русумли, О 02-31 С давлат белгиси бўлган автомашинада 1 килограммга яқин гиёҳванд моддани яшириб олиб ўтаётганда 4 - «Фарғона» божхона маскани инспектори Умаржон Турдиев, вилоят ИИБ ДАН ходими Мавлон Мирзаев ва бошқа ходимлар томонидан ушлаб қолинди.

- Амалдаги қонунга кўра маскан орқали ҳаракатланаётган фуқароларни автомашинадан тушириб, агар шубҳали туюлса шахсий кўрикдан ўтказамиз, - дейди У.Турдиев. - Ўша куни масканимизга кириб келган автомашинада ҳайдовчидан ташқари яна уч нафар фуқаро бор эди. Чарм куртка кийган йигит нимагадир безовталаниб қолди. Савол-жавобдан сўнг устидаги курткасини ечишни сўрадик. Қарасак, белига аёллар рўмолини ўраб олибди. Рўмол ичида эса...

Фарғона вилояти божхона бошқармаси экспертиза-лабораторияси хулосасига кўра умумий оғирлиги 941 грамдан ортиқ бу кучли таъсир қилувчи модда «героин» эканлиги тасдиқланиб, унга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

## ЗАХРИ ҚОТИЛ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Худди шундай ҳолат яқинда Қирғизистон Республикаси билан туташ ҳудудда жойлашган Сўх божхона масканида ҳам юз берди. «Шарқобод» божхона пункти ходимлари С.Мадаминов, Ш.Сўпиев, Т.Тўйчиев ҳамда Фарғона шаҳар ички ишлар бўлими қўриқлаш бўлинмаси ходими Б.Жумаевлар томонидан Қирғизистондан келаётган ва транзит ҳолда ўтиб кетмоқчи бўлган ВАЗ - 2106 русумли В 50-49 ОШ давлат белгили енгил автомашина хизмат ити ёрдамида божхона назоратидан ўтказилди. Автомашина юкхонаси текширилганда Боткен туманида истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган 41 ёшли Мурзобек Назаров ҳамюрти Қурбонбек Айвалиев бошқарувидаги автомашинада нақд 2 кг гиёҳвандлик моддаси-марихуанани сотиш мақсадида олиб кетаётганлиги маълум бўлди. Захри қотил йўқ қилинди.

Дастлабки суриштирувдаёқ Мурзобек ўз қилмишига иқрор бўлди.

## УЧАРЛАР

Кейинги пайтларда Фарғона водийсига қўшни — Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларида нефт маҳсулотларининг нархи биздагига нисбатан кўтарилиб кетгани сабабли ўз шахсий манфаатини ўйлайдиган айрим кимсалар «ғимирлаб» қолдилар. Сохта тадбиркорлар гоҳ арава, гоҳ транспортнинг бошқа воситалари ёрдамида турли усулларни қўллаб, чегарада пайдо бўлишмоқда.

...Роҳатжон Олимов Фарғона туманининг Лоғон қишлоғида яшайди. А.Навоий номли жамоа хўжалиги ижарачиси. Аслини олганда Лоғон қишлоғи билан Қирғизистон йўллари туташиб кетган. «Нариги» томонда нима бўлаётгани, нарх-наво — ҳаммаси маълум. Роҳатжон балки шу фикрда таваккал қилмоқчи бўлгандир, бу ёғи бизга қоронғу. Нима бўлгандаям, у хатога йўл қўйди.

Яқинда ўзининг бошқарувидаги «Москвич-412» русумли автомашинада айланма йўллар орқали турли сиғимдаги идишларда 270 литр дизел ёқилғисини Қирғизистонга олиб чиқиб кетаётганда вилоят божхона бошқармасининг 9 - «Гулпиён» божхона маскани ходимлари томонидан тўхтатилди. Роҳатжон ўйламай қилган ишидан пушаймон бўлди, лекин энди кеч-да!

Қуйидаги ҳуқуқбузарлик ҳолатини содир этганлар — аёллар. Яқинда 6 - «Риштон» божхона маскани катта нозири Б.Абдубаннопов, нозирлардан Ш.Мамадиев, Ф.Усмоновлар «Икарус-255» русумли автомашинани тўхтатишди. Божхоначилар автобусдаги 5 нафар Қирғизистон фуқароларининг ҳужжатларини текширишди. Уларнинг нима учун безовталаниб қолишгани божхона назорати амалга оширилганида аён бўлди. Буни қарангки, Боткен туманида яшовчи Улуғбиби Гаппарова 340 кг шакар, 80 кг. макарон ва чой, Малика Эшматова 170 кг макарон, Ханифа Робиева 110 кг макарон ва 50 кг шакар, Файзихон Мўминова 120 кг макарон, Гулнора Юсупалиева 300 дона хўжалик совуни ва 50 кг - жами 317 минг 200 сўмлик озиқ-овқат ва халқ эҳтиёжи молларини автобусда божхона назоратидан яширин равишда олиб чиқиб кетмоқчи бўлишган экан.

Аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолати юзасидан ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Фақат бир куннинг ўзидаёқ Фарғона вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан умумий қиймати 604 минг 975 сўмлик товар - моддий бойликлар божхона чегаралари орқали ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилаётганида тўхтатиб қолинди.

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,**
**Фарғона вилояти божхона бошқармаси Матбуот маркази бошлиғи, божхона хизмати капитани,**
**Сурайё АГЛАЕВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи;* 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 20.30

Буюртма Г— 2024. 1 2 3 4 5 6